

Erlepesov Nurullan Umirzakovich

2020 йил ноябрдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Молия, иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари -Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазири

Туғилган йили: 04.09.1971

Туғилган жойи: Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри

Миллати: қорақалпоқ

Партиявийлиги: партиясиз

Маълумоти: олий

Тамомлаган: 1993 й. Самарқанд кооператив институти (кундузги), 2001 й. Давлат ва жамият қурилиши академияси,

2010 й. Қорақалпоқ давлат университетини (сиртқи),

Маълумоти бўйича мутахассислиги:Иқтисодчи, молиячи

Илмий даражаси:йўқ

Илмий унвони:йўқ

Қайси чет тилларини билади:рус, инглиз тиллари

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа):йўқ

Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа

сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим): йўқ

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1993-1997 йй. - Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузуридаги "Қоратов" ташқи иқтисодий корхонаси директорининг ўринбосари

1997-1997 йй. - "Ўзбекинвест" суғурта компанияси Қорақалпоғистон филиали катта андеррайтери

1997-2000 йй. - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳузуридаги Назорат инспекцияси етакчи мутахассиси

2000-2001 йй. - Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

2001-2002 йй. - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ҳузуридаги назорат бўлими етакчи инспектори, Котибият катта референти, бўлим мудирининг ўринбосари

2002-2009 йй. - Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Котибияти ташкилий-назорат бўлими мудир

2009-2010 йй. - Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

2010-2013 йй. - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

2014-2018 йй. - Ўзбекистон Республикаси Суд бошқарувчилари ассоциацияси раиси

2018-2019 йй. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ёқилғи-энергетика комплекс тармоқларини модернизациялаш ва ривожлантириш ҳамда углеводород ҳомашёсини қайта ишлашни чуқурлаштириш бошқармаси бошлиғи

2019-2019 йй. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

2019-2019 йй. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Тармоқ бозорлари ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш тадқиқотлари маркази директори

2019-2020 йй. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Саноат махсулотлари бозорини ривожлантириш ва мувозанатлаштириш стратегияси департаменти бошлиғи

2020-2020 йй. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Саноат сиёсатини юритиш департаменти директори

2020 й. - ҳ.в. - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари - иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири